2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 1 (1600), 2026 йил 1 январь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошларим!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни кириб келаётган янги 2026 йил билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ўтиб бораётган йил халқимиз ҳаётида катта ўзгаришлар, эртанги кунга мустаҳкам ишонч ва улкан натижалар йили бўлди.

Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, биз ўз олдимизга қўйган барча мақсад ва марраларга эришдик. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ҳажми илк бор 145 миллиард доллардан ошди ва мамлакатимиз ўрта даромадли давлатлар қаторидаги ўрнини мустаҳкамлади.

Иқтисодий ўсиш самараси одамларимиз ҳаётида, оилалар даромадида, маҳаллалар қиёфасида, ёшларимизнинг келажакка бўлган ишончида яққол намоён бўлмоқда.

Ўтаётган йилда ҳар бир оила, ҳар бир хонадонда хурсандчиликлар, бахтли онлар кўп бўлди.

Янги уйга кўчиб кирган, ўз бизнесини йўлга қўйган ёки кенгайтирган, даромади ошган, илм-фан, спорт, маданият ва бошқа соҳаларда ўзи ёки фарзандларининг ютуқларидан қувонган миллионлаб оилаларнинг шодлиги 2026 йилдаги мақсадларимизга эришиш йўлида бизга албатта катта куч беради.

Азиз юртдошларим!

Биз келгуси йилда ҳам ҳар бир оиланинг бахтли, фаровон ва соғлом ҳаёт кечириши, ёшларимизнинг сифатли таълим олишлари, келажак касбларини эгаллашлари ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун янги-янги имкониятларни ишга соламиз!

Биз 2026 йилни **“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”** деб эълон қилдик.

Янги йилда минглаб маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаб, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кирамиз.

Барча иқтисодиёт тармоқларини технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказамиз. Халқимизнинг даромади ва харид қобилиятини ошириш ишларини янада жадаллаштирамиз.

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари, муҳтарам кексаларимиз, қадрли хотин-қизлар ва навқирон ёшларимизни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамиз.

Экологияни яхшилаш, “яшил” энергетикани ривожлантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича таъсирчан чораларни давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, янги 2026 йилда ҳам барча ислоҳотларимиз, саъй-ҳаракатларимиз одамларимиз яхши яшаши ва бизнес учун энг қулай шароитларни яратишга қаратилади.

Тажрибали маҳалла раислари ва фаоллари, зиёлилар, тадбиркорларимиз, серғайрат ёшларимиз, кенг жамоатчилигимиз, ҳар бир ватандошимиз ушбу олижаноб ишларга муносиб ҳисса қўшади деб ишонаман!

Азиз ватандошларим!

Янги йил арафасида ҳар бир оила яхши ниятлар қилади, ҳар бир инсон қалбида ёрқин орзу-умидлар жўш уради.

Ҳар биримизнинг пок ниятларимиз, эзгу мақсадларимиз 2026 йилда албатта амалга ошсин!

Янги йил ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қут-барака, юртимизга юксак тараққиёт, тинчлик-хотиржамлик олиб келсин!

Яратган Парвардигор Ватанимизни асрасин, халқимиз ҳаётини янада яхшилаш йўлидаги ишларимизда мададкор бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин, азизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Кириб келаётган янги 2026 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, парламентлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, етакчи молиявий институтлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат ва дин арбобларидан самимий табрик ва тилаклар келмоқда.

Қутловларда Президентимиз раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо берилган. Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеи ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб боришига хизмат қилаётган проактив, очиқ ва прагматик ташқи сиёсатнинг самаралари алоҳида қайд этилган.

Хорижий ҳамкорлар Ўзбекистон етакчиси ва кўп миллатли халқига янги йилда тинчлик-осойишталик, бахт-саодат, фаровонлик, катта муваффақиятлар ва равнақ тилакларини изҳор этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Янги йил байрами муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилинг.

Ўтаётган йил Россия — Ўзбекистон алоқалари учун жуда муваффақиятли бўлди. Давлатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳаларда, МДҲ, ШҲТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Москва ва Тошкент ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини дўст халқларимиз фаровонлиги, минтақавий ва халқаро миқёсда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантиришимизга ишонаман.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, оилангиз ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Кириб келаётган янги 2026 йил муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз!

Сизга битмас-туганмас куч-ғайрат, оилавий фаровонлик ва қардош Ўзбекистон халқининг равнақи йўлидаги масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги зафарлар тилайман!

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман.

Ўтган йил Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатларининг амалий мазмунини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йили бўлди.

Ишончга асосланган сиёсий мулоқотнинг юқори даражаси ва эришилган келишувлар икки мамлакатнинг стратегик шериклигини янги босқичга кўтарди.

Ишончим комилки, келгуси йилда ҳам кўп қиррали ҳамкорлигимиз дўстлик ва ўзаро ишонч асосида, қардош халқларимизнинг тинчлиги ва бардавом фаровонлигини таъминлашга қаратилган ҳолда муваффақиятли ривожланишда давом этади.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Қадрли Шавкат Миромонович!

Сизни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман!

Шу муносабат билан Сизга ва Сизнинг яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик, биродар Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик, барқарорлик ва янада изчил тараққиёт тилайман.

2025 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари юқори суръатни сақлаб қолгани ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида изчил ривожланишга қаратилган янги қўшма қадамлар билан нишонланганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

Ишончим комил, кириб келаётган 2026 йилда ҳам давлатларимизнинг самарали ҳамкорлигини янги амалий мазмун билан бойитамиз.

Стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳидаги ишончли давлатлараро мулоқотни давом эттиришдан мамнун бўламан.

Ҳурмат билан,

Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти

Давоми 2-бетда

ШУКРОНАЛИК САОДАТИ

2

УЛАРНИНГ ҲАР БИРИНИ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК КУТАДИ

“Президент арчаси” байрам тадбирларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янгича анъана йўлга қўйилди. Янги йил совғасига қўшимча равишда болалар учун омонат депозит ҳисобрақамлари очиляпти. 8000 дан ортиқ етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган 17 ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун очилган ушбу ҳисобрақамларга давлат томонидан 500 АҚШ доллари миқдорида маблағ жойлаштирилмоқда.

2

3

Бугун янги режаларга, янги ниятларга тўла кунлар остонасида турибмиз. Ўтган ўн икки ой сарҳисоби, хулосалари билан келажак учун аниқ мақсадлар белгилаб олмоқдамиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 1 январь, 1-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни кириб келаётган янги 2026 йил билан чин қалбимдан табриклайман! Халқаро майдонда шериклик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган эзгу ишларингизда Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилайман. Янги йил мамлакатингиз халқига фаровонлик ва равнақ олиб келсин.

Ҳурмат билан,

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Кириб келаётган янги 2026 йил муносабати билан самимий табрикларимни йўлламоқдаман. Сизга чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва бахт-саодат тилайман. Янги йилда бошлаган барча ишларингиз муваффақиятли бўлсин!

Ҳурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркман халқининг миллий етакчиси,
Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Қадрли қардошим!

Сизни ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқини кириб келаётган 2026 йил билан самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимни йўллайман.

2025 йил Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳим ва муваффақиятли йил бўлди ва бу даврда икки томонлама кун тартибимиз унутилмас воқеалар билан бойиди. Якунига етаётган йилда Сиз Озарбайжонга ҳам давлат, ҳам икки марта амалий ташриф билан келдингиз. Менинг гўзал мамлакатингизга амалий ташрифим, шунингдек, бошқа бир қатор халқаро тадбирлар доирасидаги кўплаб учрашувлар давлатлараро муносабатларимизнинг юқори даражадаги жадаллиги ва ўзига хослигидан далолат беради. Ўзаро қатъий ишонч ва қўллаб-қувватлашга асосланган муносабатларимиз кун сайин чуқурлашиб, ҳар томонлама ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётганини кўришдан хурсандман.

Ишончим комилки, биргаликдаги изчил саъй-ҳаракатларимиз туфайли қардош халқларимиз иродасига мувофиқ, 2026 йилда Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари ва иттифоқимиз янада кенгаяди ва мустаҳкамланади.

Жорий йилда биз Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини ҳам нишонладик.

Янги йилда Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, масъулиятли ва шарафли давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар ва янги ютуқлар, қардош Ўзбекистон халқига эса доимий тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Янги йил байрами муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилинг.

2025 йил Беларусь — Ўзбекистон муносабатларига сезиларли суръат бахш этган, ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликнинг янги истиқболларини очган ёрқин воқеаларга бой бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги самимий дўстлик ва ишончли шериклик халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига ишончим комил.

Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистонга эса тинчлик, тотувлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ўтаётган йил билан хайрлашар эканмиз ва янги йилни кутиб олар эканмиз, Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Янги 2026 йил давом этаётган зиддиятларни енгиб ўтиш ва умумий мақсадимиз — халқларимизнинг янада тинч, барқарор ва хавфсиз келажаги сари интилиш йўлида мулоқот ва ўзаро англашувга асосланган биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ва конструктив ҳамкорлигимизни фаоллаштиришга бўлган қатъий интилишнинг тимсоли бўлсин.

Келгуси йилда икки томонлама муносабатларимиз мустаҳкамланишига, янада яқин ҳамкорлик ривожланишига ва икки дўст халқ фаровонлиги йўлида сезиларли натижаларга эришилишига умид қиламан.

Ҳурматли Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни ҳамда бутун дунё халқлари учун тараққиёт ва фаровонликка тўла йил бўлишини тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилгайсиз.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан.

Янги йил муборак!

Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,
Миср Араб Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Кириб келаётган янги 2026 йил муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда мамлакатингиз халқини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Умид қиламанки, келгуси йилда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан тинч-тотув яшаш ва адолатли ҳамкорлик тамойилларига таянган ҳолда, бугунги нотинч дунёда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитларни ярата оламиз.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса бахт-саодат, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Масъуд ПЕЗЕШКИЁН,
Эрон Ислом Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Янги йил кириб келиши муносабати билан Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, мазмунли ва файзли янги йил тилаб, ўзимнинг самимий истакларимни йўллайман.

Умид қиламанки, биргаликдаги ишонч ва қатъиятга асосланган саъй-ҳаракатларимиз билан хавфсиз ва тинч келажак йўлида олдимизда турган вазифаларни амалга ошира оламиз.

Ҳурмат билан,

Фридрих МЕРЦ,
Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент Жаноблари!

Кириб келаётган янги йил муносабати билан Польша халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларига энг самимий тилакларимни йўлламоқчиман.

2026 йил дунёдаги можароларга барҳам бериб, тинчлик, барқарорлик ва тотувлик даври бўлсин.

Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Ҳурмат билан,

Кароль НАВРОЦКИЙ,
Польша Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ўтган йили бўлиб ўтган мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик ришталарига асосланган алмашинувлар учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Умид қиламанки, 2026 йилда дўстлигимиз янада мустаҳкамланиб, ҳамкорлигимиз янада кенгаяди.

Шунингдек, мамлакатларимиз бундан буён ҳам тинчлик ва фаровонлик йўлида глобал миқёсда самарали ҳамкорлик қилишига ишонч билдираман.

Сизга бардавом муваффақиятлар, мамлакатингизга эса барқарор тараққиёт ва янада юксалиш тилайман.

Кириб келаётган янги йил муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Ли Чжэ МЁН,
Корея Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Милодий янги 2026 йил кириб келиши муносабати билан Сизга, Жаноби Олийларига, самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни билдиришдан бағоят мамнунман.

Ушбу янги йил бутун инсоният учун хайрли бўлиб, хавфсизлик ва тинчлик ҳукм суриши, бутун дунё халқларига фаровонлик олиб келишини тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, икки дўст давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги алоқалар янада ривожланишини тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ,
Кувайт Давлати Амири

* * *

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си ЦЗИНЬПИН;**

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти **Нурсултон НАЗАРБОЕВ**;

Европа кенгаши Президенти **Антониу КОШТА**;

Германия Федератив Республикаси Федерал президенти **Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР**;

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Бош вазири **Кир СТАРМЕР**;

Италия Республикаси Президенти **Сержо МАТТАРЕЛЛА**;

Испания Қироли **ФИЛИПП VI**;

Словения Республикаси Президенти **Наташа Пирц МУСАР**;

Венгрия Президенти **Томаш ШУЙОК**;

Латвия Республикаси Президенти **Эдгарс РИНКЕВИЧС**;

Литва Республикаси Президенти **Гитанас НАУСЕДА**;

Хорватия Республикаси Президенти **Зоран МИЛАНОВИЧ**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол НАҲАЁН**;

Япония Бош вазири **Санаэ ТАКАИЧИ**;

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид ТЕББУН**;

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд АББОС**;

Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи **Мин Аун ХЛАЙН**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид ал-МАКТУМ**;

Ўмон Султонлиги Бош вазири ўринбосари **Фаҳад ал-САИД**;

Сингапур Республикаси Бош вазири **Ли Сянь ЛУН**;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Нурлан ЕРМЕКБАЕВ**;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бош котиби **Сергей ЛЕБЕДЕВ**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек ОМУРАЛИЕВ**;

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Асад ХОН**;

БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари **Каха ИМНАДЗЕ**;

Жаҳон банки президенти **Ажай БАНГА**;

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси президенти **Жанни ИНФАНТИНО**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Байрам шукуҳи

Биринчи қор — болаликнинг қўл билан ушласа бўладиган ҳайратлари. Биринчи қор — юраклардан эланиб ўтиб келган, дилнинг бир пок манзилида ётган туйғуларнинг болаларча некбин нигоҳ билан оламга термилиши. Янги йил эса барчамизни касбу коримиз, жинсу ёшимиздан қатъи назар, ўшандай тирик ҳайратлар, қувончли лаҳзалар билан қайта юзлаштиради.

ШУКРОНАЛИК САОДАТИ

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Кўз очиб юмгунча яна бир йил ортда қолди. Югурик вақт ўз йўлидан оғишмай, умримизнинг навбатдаги саҳифасини тарих бағрига олиб кетди. Бугун янги режаларга, янги ниятларга тўла кунлар остонасида турибмиз. Ўтган ўн икки ой сарҳисоби, хулосалари билан келажак учун аниқ мақсадлар белгилаб олмоқдамиз.

Шаҳар ҳаётида ҳам ўзгача кайфият, байрам шукуҳи ҳукмрон. Кўчалар, майдонлар, хиёбонлар байрамона тус олган, рангли чироқлар, турли безаклар умумий муҳитга кўтаринкилик бахш этиб турибди. Бу манзара одамларнинг ички ҳолатини ҳам ифодалаётгандек гўё. Бугунидан рози, эртасидан хотиржам инсонларнинг оиласи, дўсту қадрдонлари, яқинлари даврасидагина ич-ичидан ҳис этадиган шукроналик ҳисси бу. Эҳтимол, шу туфайлидир, янги йил кўплаб халқларда оилавий байрам сифатида қадрланади. Унинг асосий рамзи бўлган арча ҳам айнан шу бирлик ва давомийлик тимсолига айланган.

Шу маънода, янги йил кунларида мамлакатимизнинг турли ҳудудидаги марказий майдонларни шунчаки сайргоҳ эмас, балки жамият кайфиятини акс эттирувчи маконга қиёслаш мумкин. Арча атрофида жамланган одамлар йилни қандай руҳда кузатаётгани, янги йилга қандай кутилмалар билан кириб бораётгани ана шу манзарада кўзга яққол ташланади. Бу борада уларнинг ўзи нима дейди — юртдошларимизга айни саволлар билан юзландик.

Қаҳҳор ЙЎЛЧИЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор:

— Бу йилги шодиёнанинг ўзига хос жиҳати шундаки, у одамларни умумий туйғу атрофида бирлаштирди. Йил якунида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси айнан шу кайфият билан уйғунлашди. Мурожаатномада белгиланган устувор вазифалар, илмга таянган тараққиёт ғояси, инсон қадрини марказга қўйган ёндашув эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Олим сифатида Мурожаатномада илмга қаратилган алоҳида эътибор мени бефарқ қолдирмади. Ҳар бир соҳа, қайси йўналиш бўлмасин, билимга таяниши кераклиги яна бир бор аниқ ифодаланди. Таълим, иқтисодиёт, технология, ижтимоий-гуманитар соҳаларнинг барчаси илмий асос билангина барқарор ривожланиши мумкинлиги таъкидланди. Шу билан бирга, инсон қадри масаласи марказда тургани жамият учун муҳим ишора бўлди. Шу жиҳатдан Мурожаатномадаги ғоялар янги йил кайфиятига чуқурроқ мазмун олиб кирди.

Бобур АБДУНАЗАРОВ,
Учтепа тумани Оқмасжид
маҳалласи ёшлар етакчиси:

— Бугун ёшлар масалалари маҳалла даражасида ҳал бўлаётир. Маҳалла навқирон авлод вакилларининг кундалик ҳаёти, муаммолари, қизиқишларини биринчи бўлиб ўрганадиган, улар билан манзилли ишлайдиган тизимдир. Шу сабабли кейинги йилларда "маҳалла еттилиги" фаолияти ёшлар сиёсатининг муҳим бўғинига айланди. Бу ёндашув 2026 йилнинг мамлакатимизда "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилингани билан ҳам мазмунан уйғундир. Мазкур номнинг ўзиёқ давлат сиёсатида маҳаллага энди фақат ҳудудий тузилма эмас, балки жамиятни барқарор ривожлантиришнинг асосий таянчларидан бири сифатида қаралаётганини англатади.

Шу кунларда ёшлар орасидаги кайфиятни кузатар эканман, уларда байрамона қувонч билан бир қаторда келажакка нисбатан аниқ режалар ҳам борлигини кўраман. Бугунги ёшлар ўз олдига аниқ мақсад қўяди, имкониятларни ҳисобга олади, масъулиятни ҳис қилади. Шу жараёнда давлат томонидан яратилаётган шароитлар, маҳалла даражасидаги қўллаб-қувватлаш механизмлари муҳим таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги йил, шу маънода, ёшлар учун янги саҳифа очади. Янги ғоялар, янги ташаббуслар, янги масъулият айнан шу паллада шаклланади.

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Меҳрли сиёсат

УЛАРНИНГ ҲАР БИРИНИ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК КУТАДИ

Халқимизда бола туғилганда отаси ёки бобосининг ерга яхши ният билан ниҳол қадаш анъанаси бор. Бундан мақсад фарзанд улғайганда дарахт мевасидан баҳраманд бўлиши ёки соясида ҳордиқ чиқариб, аждодларидан миннатдорлик ҳиссини туйишидир. Ўғил-қизининг эртаси учун ота-боболарнинг ҳаракатни эрта муддатдан бошлаши бошқа халқларда кам учрайдиган ноёб қадрият.

Шу кунларда Янги йил муносабати билан ўтказилаётган "Президент арчаси" байрам тадбирларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янгича анъана йўлга қўйилди. Янги йил совғасига қўшимча равишда болалар учун омонат депозит ҳисобрақамлари очиляпти. 8000 дан ортиқ етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган 17 ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун очилган ушбу ҳисобрақамларга давлат томонидан 500 АҚШ доллари миқдорида маблағ жойлаштирилмоқда.

— Ҳисобрақамга қўйилган маблағ миқдори унчалик катта эмасдек туюлиши мумкин, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси Мадина Азизова. — Аммо ушбу пул йилдан йилга капитализация ҳисобига жамғариб борилади. Бола 18 ёшга тўлгач, маблағдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Мустақил ҳаётга қадам қўйиш учун илк қарорини қабул қилиши мумкин. 9 ёшдан катта болалар ва уларнинг қонуний вакилларига ижтимоий карталар берилди. Бу ишлар қулайлик, хавфсизлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида қилинди. Қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағ давлат ғамхўрлигига алоҳида муҳтож болалар учун мўлжалланган. Жумладан, маҳаллаларда истиқомат қилувчи етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум, Меҳрибонлик уйлари, оилавий ва кичик ҳажмли болалар уйлари ҳамда SOS болалар қишлоқлари тарбияланувчилари, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш чоғида ҳалок бўлган ота-оналарнинг болалари ҳамда "Таскин" болалар хосписи ҳузуридаги болалар онкология шифохонасида даволанаётганлар учун тақдим этилди. "Таскин" болалар хосписида даволанаётганлар учун алоҳида тартиб белгиланган. Унга кўра, депозит ҳисобрақамидаги маблағ заруратга кўра ва қонуний вакиллар мурожаати асосида исталган вақтда банк картасига ўтказилиши мумкин.

Масъул ходимнинг сўзларини тинглаб, беихтиёр атоқли адиб Ғафур Ғуломнинг бир шеъри ёдимга тушди:

Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим,
Қуёшдай меҳрибон Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину меҳнаткаш, мушфиқ
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор.

Ҳақиқатан, ўзбек халқи, Ватанимиз қандай шароитда бўлмасин, авлодларини доим суяб, ғамхўрлик қилади. Айниқса, мамлакатимиз тараққиёт пиллапояларидан дадил одимлаётган, барча ислоҳотлар марказида "Инсон қадри" устувор бўлган бугунги даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Жонажон юртимиз, миллатимиз эртаси ёшлар қўлида. Биз уларни бугун қанчалик кўп қўллаб-қувватласак, миллатимиз эртаси шунчалик ишончли, чароғон бўлади, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги Янгиобод маҳалласи раиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Манзура Валиева. — Айниқса, ёшларнинг билимли, етук фазилатли бўлиб улғайиши учун бугун шарт-шароит ҳозирласак, давлат ва жамиятимиз эртасидан хавотир олмасак ҳам бўлади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида **"Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила — оилага, қўшни — қўшнига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айни шу руҳда тарбиялашимиз керак",** дея таъкидлади. Дарҳақиқат, миллатимиз ўзлигини сақлаб қолиши, ёш авлоднинг тарбияси, илм-тафаккурини юксалтириш йўлида нафақат давлат, балки барчамиз бирдек масъулмиз.

Бугун ортга қайтмас тус олган ислоҳотлар, ҳаётга татбиқ этилаётган ташаббус ва лойиҳалар самараси, албатта, келгусида ўзини намоён этади. Бугун ерга қадаган уруғимизнинг ҳосилини фарзандларимиз кўриши шубҳасиз. Ушбу янги анъана ҳозирги ва келажак авлодларимиз учун бахтли ҳаётга олиб борадиган йўл харитасининг бир қисми бўлади.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ЙИЛ САРҲИСОБИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН сари катта қадам

Иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлиги йўлида йилнинг энг муҳим воқеалари

2025 йил Ўзбекистонда юз йилликка татигулик, тарихга зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган муҳим воқеаларга бой бўлди. Келинг, ўзига хос айни сарҳисоб палласида юрт тараққиёти, халқимиз фаровонлиги, янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини янада юксалтиришга замин яратаётган мана шундай муҳим ташаббуслар, эришилган тарихий натижаларга бир қур назар ташлаймиз.
Аслида, уларни бирма-бир санасак, кўп саҳифали китобларга ҳам сиғмаслиги аниқ. Шунинг учун ортда қолган йилнинг энг муҳим воқеалари ва кўрсаткичларини алоҳида келтиришга қарор қилдик.

1 ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА:

— Президентимиз 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасини йўллади. Сўнгги тўққиз йилда жамиятимиз ва давлатимиз босиб ўтган катта тараққиёт йўли теран ҳамда холис таҳлил қилинган **МУРОЖААТНОМАДА 2026 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЭНГ МУҲИМ 6 ТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШДАН ИБОРАТ ИСТИҚБОЛ ДАСТУРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ.** Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт шиддатидан келиб чиқиб, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қайта кўриб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

— 2025 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ ТАРИХИМИЗДА БИРИНЧИ МАРТА 145 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШДИ.

— Етакчи халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимизнинг суверен рейтингини “BB-”дан “BB” поғонасига кўтарди. Иқтисодий барқарорлик юқори баҳоланишида олтин-валюта захираларимиз мамлакат тарихида илк бор 60 миллиард доллардан юқори бўлгани ҳамда экспорт ҳажми **23 ФОИЗ ОШИБ, 33,4 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА, ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҚИЙМАТИ 43,1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТКАЗИЛГАНИ ҲАМ ЗАМИН ҲОЗИРЛАДИ.**

— Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш учун зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажарди. 2026 йилда мамлакатимизнинг ташкилотга аъзо бўлиши кутилмоқда.

— 35 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР САРМОЯ ЭВАЗИГА 9000 ДАН ОРТИҚ ЯНГИ КОРХОНА, 300 МИНГГА ЯҚИН ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ИШ ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

2 ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ЙЎНАЛИШИДА:

— Мамлакатимизда **КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ** 2025 йил бошидаги **8,9 ФОИЗДАН 5,8 ФОИЗГА ТУШДИ.** Қарийб **1,5 МИЛЛИОН** эҳтиёжманд киши камбағалликдан чиқарилиб, илк бор **1435 ТА МАҲАЛЛА КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНДИ.** Натижада 2026 йил якуни билан камбағалликни 2 карра қисқартириш бўйича олинган марра 2025 йилнинг ўзида уддаланди.

— 5 миллион фуқаро даромадли бўлди, **ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ 5,5 ФОИЗДАН 4,9 ФОИЗГА ТУШДИ. ИШСИЗЛИК 2 КАРРА ҚИСҚАРДИ.**

— Болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қамрови даражаси 27 фоиздан 78 фоизга ошди. Ёшларнинг олий таълимга қамрови эса **9 ФОИЗДАН 42 ФОИЗГА ЕТДИ.**

3 БУНЁДКОРЛИК ЙЎНАЛИШИДА:

— Аҳолига 8 миллион 100 минг квадрат метрли 135 минг хонадондан иборат кўп қаватли уйлар топширилмоқда. Одамларнинг ўзи ҳам яшаш шароитини яхшилаш учун 19 миллион квадрат метр майдонда қурилиш қилди. Бизнес вакиллари томонидан 24 миллион квадрат метр нотурар жой объектлари барпо этилди.

— Янги Тошкентда Олимпия шаҳарчаси барпо этилди ҳамда Андижон вилоятидаги 4000 гектар майдонда янги шаҳар — Бобур шаҳри, Хоразм вилояти Хива шаҳрида “Арда Хива” халқаро туризм маркази қуриб битказилди.

4 СПОРТ ЙЎНАЛИШИДА:

— ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ ТАРИХДА ИЛК БОР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНМАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.

— Ўзбекистон шахматчиси **ЖАВОҲИР СИНДОРОВ ҲИНДИСТОН МЕЗБОНЛИК ҚИЛГАН ФИДЕ ЖАҲОН КУБОГИ — 2025 ФИНАЛИДА ҒОЛИБ БЎЛДИ.** Эътиборлиси, шахматчимиз чемпионат тарихидаги (19) энг ёш жаҳон кубоги соҳибига ҳам айланди.

— Спортчиларимиз Ёшлар параосиё ўйинларида **125 ОЛТИН, 77 КУМУШ ВА 52 БРОНЗА МЕДАЛни** қўлга киритиб, иштирокчи давлатлар орасида энг юқори натижани қайд этди.

— Саудия Арабистонида бўлиб ўтган футбол бўйича **U-17 ЁШ ТОИФАСИДАГИ ОСИЁ КУБОГИДА ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ ЧЕМПИОН БЎЛДИ.**

5 ЎЗБЕКИСТОН — ХАЛҚАРО МУЛОҚОТ МАЙДОНИ:

— Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференцияси кейинги қирқ йилда илк бор Франциядан ташқарида — маданиятлар чорраҳаси, цивилизациялар бешиги бўлмиш кўҳна кентда ўтказилди.

— Самарқанд **“МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ”** биринчи саммитига мезбонлик қилди.

— Кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарда **ХАЛҚАРО ИҚЛИМ ФОРУМИ** ўтказилди.

— Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг **150-ЮБИЛЕЙ АССАМБЛЕЯСИ ЎТКАЗИЛДИ.**

— Пойтахтимизда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг **ЕТТИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ** бўлиб ўтди.

6 ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ САҚЛАШ ВА СУВ СИЁСАТИ:

— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 200 миллиондан ортиқ дарахт ва бута кўчати экилди, 208 та боғ ва парк, шунингдек, Оролбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида 150,7 минг гектар ҳимоя ўрмони барпо қилинди.

— Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси тасдиқланди. Бу билан мамлакатда сув муносабатлари соҳасидаги асосий ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни, шунингдек, **ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 8 ТА ФАРМОНИ ВА 14 ТА ҚАРОРИ ҲАМДА ҲУКУМАТНИНГ 26 ТА ҚАРОРИДАГИ НОРМАЛАР БИРЛАШТИРИЛДИ.**

— 188 та маҳалладаги 715 минг одам яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик сув кириб борди. Яна **2 МИЛЛИОН 300 МИНГГА ЯҚИН ФУҚАРОНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ.**

7 ЭНЕРГЕТИКА ЙЎНАЛИШИДА:

— Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми илк бор 85 миллиард киловатт-соатга, эътиборлиси, мамлакатимиз электр энергия ишлаб чиқариш тармоғида ишлаб чиқарилаётган жами генерация қувватларида “яшил” энергия улуши 30 фоизга етказилди.

— 5 декабрь куни Президентимиз бошчилигида қарийб 11 миллиард долларлик 42 та энергия ишлаб чиқариш ва сақлаш қувватлари ҳамда бошқа инфратузилма иншоотлари фаолияти йўлга қўйилди. Навбатдаги 21 тасининг қурилиши бошланди.

8 ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ЙЎНАЛИШИДА:

— Тошкент вилоятида янги халқаро аэропорт қурилишига старт берилди. Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларидаги 1300 гектар майдонда барпо этилаётган мультимодаль аэропорт Марказий Осиёда шу йўналишдаги энг катта лойиҳадир. **“ТОШКЕНТ-ҲУМО” ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.**

— Ер ости ва ер усти метрополитени линияларининг умумий узунлиги 70,5 километрга, бекатлар сони 29 тадан 50 тага етказилди. **МЕТРО БИР КУНДА 900 МИНГ ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА.**

— Охирги уч йилда **АВТОЙЎЛ СОҲАСИГА ҚАРИЙБ 40 ТРИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛИБ, 63 МИНГ КИЛОМЕТР ЙЎЛДА** қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Соҳага хориждан жалб қилинаётган маблағ 3 баробар ошиб, 2025 йилда 1,2 миллиард долларга етди.

— Янги Ўзбекистон кўчаси бўйлаб узунлиги 468, кенглиги 25 метр бўлган ер ости автомобиль йўли барпо этилди. У соатига 10 мингдан зиёд автомобилни ўтказиш имкониятига эга. Мазкур йўналишда лойиҳалаштирилган метро йўли учун туннель ва бекат ҳам қурилди.

9 ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎНАЛИШИДА:

— Президентимиз АҚШга амалий ташрифи доирасида БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида нутқ сўзлади. АҚШ Президенти Дональд Трамп билан учрашди, ўзаро мулоқотларда **ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ЎРТАСИДА 100 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОРТИҚ ҚИЙМАТДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ.**

— Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

— Президентимизнинг Францияга давлат ташрифи доирасида ушбу давлат етакчи компаниялари билан Ўзбекистонда **6,5 МИЛЛИАРД ЕВРОЛИК ИСТИҚБОЛЛИ КООПЕРАЦИЯ** лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи келишувга эришилди.

— Давлатимиз раҳбари Токиода **“МАРКАЗИЙ ОСИЁ + ЯПОНИЯ”** мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этди. Расмий ташриф доирасида иқтисодий зоналарни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, тиббий асбоб-ускуналар етказиб бериш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича янги келишувларга эришилди.

Инсон ҳаётида шундай воқеалар бўладики, у дунёқараш, ҳаётга муносабат ва келгуси фаолиятни ҳам тубдан ўзгартиради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2026 йил 1 январь, 1-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН йил

Инсон муайян нуқтага етгач, доим яшаб ўтган кунларини сарҳисоб қилади. Босиб ўтилган йўлдаги ютуқлардан қувонади. Шунга қараб эртанги кун режасини тузади. Одамнинг бахт индекси ўша сарҳисоб чоғи неча марта қувонгани, мамнуният ҳис этгани билан ўлчанади, назаримда. Шукрки, 2025 йил юртдошларимиз учун мана шундай бахтли онларга бой бўлди. “Ҳаётимни ўзгартирган йил” рукни орқали ютуқларга эришган, ҳаёти тубдан ўзгарган айрим юртдошларимизнинг фикрларини жамлашга уриндик.

БАХТ ИНДЕКСИ: ИШОНЧ, ИМКОНИЯТ ВА МЕҲНАТ МАҲСУЛИ

ИСТАКЛАР ҒАЛАБАЛАРГА ЭЛТАДИ

Мийрхон СОДИҚОВА, иккинчи гуруҳ ногирони

Кейинги йилларда юртимизда бўлаётган жуда катта ўзгаришларни кузатиб завқим келарди. Ана шу жараёнга қандай ҳисса қўшсам бўлади деган ички бир илинж, истак ҳам бор эди. Одам орзу сари қанча кўп интилса, шунча осон эришаркан. Мен ҳам ана шу орзуларимга эришяпман.

Бир куни қизим Умида параспортга боришни орзу қилишини айтди. Кўнгли ўксик қизимга далда бериш мақсадида отасининг рухсати билан Беруний туманидаги спорт залига олиб бордим. Қизимни парапауэрлифтинг бўйича мураббий Талғат Усенов шогирдликка олди. Ҳафтада уч марта қизимни спорт тўгарагига олиб бордим. Қарасак, қизимда ушбу спорт турига қобилият бор экан. Дастлаб қизим туман босқичидаги мусобақада ўрин эгаллади.

Қизимга кўмаклашиб юриб, ўзим ҳам ушбу спорт билан шуғуллана бошладим. Буни сезган мураббий менга парапауэрлифтинг билан жиддий шуғулланишни маслаҳат берди. “Мени қўйинг, 45 ёшга кириб, спорт билан шуғулланганимдан нима фойда?” дедим. Аммо мураббий қизиқтирди.

“Майли, қизимни олиб келиб юрибман, шуғуллансам нимам кетди?” деб спорт машғулотларига мунтазам қатнашни бошладим. Параспортчилар ўртасида ўтказилган мусобақанинг Қорақалпоғистон босқичида қизим ўз тенгдошлари орасида, мен эса катталар ўртасидаги мусобақада 1-ўринни қўлга киритдик. Республика босқичига йўлланма олгач, ногирон бўлсам ҳам спорт билан давлатимиз номини танитишим мумкин-ку деган умид пайдо бўлди.

Имкониятим чекланган бўлса-да, яратилган шароит сабаб спортда ютуқларга эришдим. Шу туфайли чексиз имкониятлар йўли очилди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда параспортга эътибор янги босқичга кўтарилди. Бунинг самараси ўлароқ, қизим иккимиз юксак натижаларга эришяпмиз. Биз ҳозир нафақат соғлиғимиз, балки жаҳон чемпиони бўлиш мақсадида ҳам кўпроқ ҳаракат қиляпмиз.

Қизим иккимизнинг ҳаётимиздаги ўзгаришлар ҳозир Беруний туманида имконияти чекланган инсонларни спорт орқали соғломлаштириш, жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш борасидаги амалий ишлар самарасига мисол бўла олади. Параспорт — ногиронлиги бўлган инсонларга ўзини намоён қилиши учун яхши майдон. Қолаверса, соғлом турмуш тарзини шакллантириб, жамиятдаги фаол иштирокига муносиб замин ҳозирлайди.

ИНТИЛГАНЛАР РОҲАТИНИ КЎРАДИГАН МАКОН ВА ЗАМОНДА ЯШАЯПМИЗ

Марат САУТБОЕВ, “Шуҳрат” медали соҳиби

Болалигим сўлим Конимех кўчаларида ўтди. Ўрта мактабни тамомлаб, туман касб-ҳунар билим юртида таҳсил олдим. Бир неча йиллардан буён ирригация соҳасида ишлаяпман. Ҳозир Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Кармана-Конимех ирригация тизими бошқармаси Конимех туманлараро гидроучасткаси канал бошлиғи сифатида хизмат қиляпман.

Сув энг азиз неъмат. Буни, айниқса, навоийликлар жуда яхши ҳис этади. Шу боис, уни қадрлаш, тежаб, самарали фойдаланиш биз учун алоҳида долзарб масала. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги йирик суғориладиган майдонга эга мамлакат. Юртимизда экин майдонларини суғориш, қолаверса, ичимлик эҳтиёжлари дарё ва кўллардаги чучук сув ресурсларига боғлиқ.

Мен раҳбарлик қилаётган гидроучастка қарамоғида 24 километр туманлараро ва 196 километр хўжаликлараро канал ва ариқлар бор. Ушбу каналлар ёрдамида туманда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари ва аҳоли томорқа ер майдонлари доимий равишда сув билан таъминлаб келинмоқда.

Яратиб берилган имкониятлар сабаб 2020 йилда 6,7 километр туманлараро ҳамда 196 километр хўжаликлараро, 2021 йилда 8,3 километр туманлараро ҳамда 196 километр хўжаликлараро, 2022 йилда 196 километр хўжаликлараро канал ва ариқлар тозаланиб, белгиланган режа 100 фоиздан ошириб бажарилди. Ташкилот жамоаси гидротехник иншоотларни таъмирлаш бўйича ҳам ижобий натижаларни қўлга киритди. Сув таъминоти ўз вақтида ва тизимли бўлиши йўлга қўйилгани боис, 550 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Натижада ҳудудда қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган даромад йил сайин ошиб бормоқда.

Соҳадаги бу каби ишлар амалда ижобий натижалар бермоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигига замонавий суғориш технологиялари жорий этилаётгани сув танқислиги глобаллашаётган бир вақтда муаммога энг оқилона ечим бўляпти. Қолаверса, экин майдонларида юқори ҳосил олишга, шу орқали аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш самарадорлигига хизмат қилмоқда.

2025 йилда Конимех туманидаги “Соҳиб”, “Аваз”, “Динара Шоира”, “Аҳмад бобо” ҳамда “Гавҳарбек ули Жандос” фермер хўжаликларига бевосита агрономлик ва сув тежовчи воситалар қўлланиши бўйича ёрдам кўрсатдик. Натижада улар давлатга дон ва пахта сотиш режаларини ортиғи билан бажарди.

Умуман, 2025 йил биз учун жуда самарали бўлди. Қолаверса, деярли 30 йиллик фаолиятим, меҳнатим ҳам айнан шу йилда эътироф этилди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунида “Шуҳрат” медали билан тақдирландим.

2025 йил фермер хўжаликлари, деҳқонларимизга зарур сув таъминоти, уни тежаш ва мўл ҳосилга эришишда яхши кўрсаткичлар йили бўлди. Юртимиз бўйлаб қатор истиқболли лойиҳалар амалга ошди ва жадал давом этмоқда. Буларнинг барчаси биз каби соҳа вакиллари учун унутилмас қувончли онлар ҳисобланади.

МАРРАНИ ЯНАДА БАЛАНД ОЛИШНИ ЎРГАНДИМ

Инсон ҳаётида шундай воқеалар бўладики, у дунёқараш, ҳаётга муносабат ва келгуси фаолиятни ҳам тубдан ўзгартиради. 2025 йил мен учун айнан шундай муҳим ва эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Жумладан, “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирландим. Бу ҳақдаги хушхабарни илк бор эшитганимни ҳеч қачон унутмайман. Ўша лаҳзаларда қалбимда бир вақтнинг ўзида икки хил туйғу жўш урди. Бир томондан, чексиз қувонч ва фахр ҳисси, иккинчи томондан эса зиммамга юкланган улкан масъулият ҳисси.

Жамшид АҲМЕДОВ, Пахтакор туманидаги “Боғишамол томорқа экспорт” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Буни фақат шахсий ютуқ эмас, балки қишлоқ жойларда меҳнат қилаётган минглаб ташаббускор ёшларга ишонч рамзи сифатида қабул қилдим. Шубҳасиз, ушбу мукофот ҳаётимда янги бир босқични бошлаб берди. Олдимга янада баланд мақсадларни қўйишимга туртки бўлди.

Мен қишлоқ фарзандиман. Ер билан ишлашни, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланишни болалигимдан ўргандим. 2017 йилда оила аъзоларим билан хонадонимиздаги 5 сотих ерда иссиқхона қуриб, кўкатчиликни йўлга қўйдик. Мақсадимиз ҳалол меҳнат орқали барқарор даромад манбаи яратиш эди.

Ҳозир ушбу ташаббус давлат қўллаб-қувватлови, ишонч ва изчил меҳнат натижасида катта лойиҳага айланди. Фаолиятимни кенгайтириб, масъулияти чекланган жамият ташкил этдим. Ўтган йили 100 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига маҳалламиз ҳудудида 22 сотих ерда замонавий иссиқхона ташкил этдик. У фақат маҳсулот етиштириладиган жой эмас, балки ўнлаб оилалар учун ризқ манбаига ҳам айланди. Кимдир бу ерда иш топди, кимдир умид топди. Шуни кўриб, меҳнатим беиз кетмаганини ҳис қилдим. Жумладан, 4 маҳалладошимиз доимий, яна 25 нафари мавсумий иш ўрнига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш ва маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қиляпти.

Иссиқхонадан йил давомида бир неча марта ҳосил оляпмиз. Учинчи ҳосил сифатида етиштирилаётган витаминларга бой кўкатлар нафақат ички бозор, балки хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Лекин мен учун энг қимматли ютуқ билимимни бошқалар билан баҳам кўриш имконияти бўлди. МЧЖ ҳузурида ўқув маркази очиб, томорқачиликка қизиқадиганларга иссиқхонадан самарали фойдаланиш, ер унумдорлигини ошириш ва бозор талабларига мос маҳсулот етиштириш бўйича тажрибамизни ўргатяпмиз. Натижада биргина Боғишамол маҳалласида 35 нафар, туман бўйича эса 100 дан ортиқ фуқаро ўқув марказимизда тажриба ошириб, иссиқхона очди. Уларнинг даромад топаётганини кўриб, миннатдорлик сўзларини эшитиб, ўзимни жуда ҳам бахтиёр ҳис қиламан.

“Келажак бунёдкори” медали ҳаётимни ўзгартирди. У менга тўхтаб қолишга ҳаққим йўқлигини, ҳар бир ишим билан ишончни оқлашим кераклигини уқтирди. Энди шунга яраша катта марраларни олдим. Яъни йирик иссиқхона мажмуалари барпо этиб, аҳолини йил давомида барқарор иш билан таъминламоқчиман. Халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиб, экспорт ҳажмини оширмоқчимиз. Муҳими, қишлоқда меҳнат қилиб ҳам муносиб даромад топиш, ҳаётни ўзгартириш мумкинлигини ёшларга ўз ишим билан кўрсатишни истайман.

ҚУВОНЧЛИ КУНЛАРИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН

Ирригация тизимида меҳнат қилаётганимга 46 йил бўлди. Ана шу ўтган йиллар давомида соҳанинг пастбаландига кўп бора дуч келдим. Аммо илгари сўнги йиллардаги каби сувга эътиборни, соҳа ривожи учун кенг кўламда амалий ишлар қилинганини кўрган эмасман. Фарғона вилоятида суғориладиган асосий экин майдонлари қўшни республикалардан оқиб келувчи Норин, Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх ва Исфара дарёларидан сув ичади. Бу сувнинг ҳар томчисидан самарали ва мақсадли фойдаланиш талаб этилади. Касбим тақозоси сабаб ҳар тонг сув ёқалаб юришни одат қилганман.

Баҳодир ШЕНАЗАРОВ, Норин-Фарғона ирригация тизими бошқармаси бош мутахассиси, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби

Сувни белгиланган ҳудудлар бўйлаб тўғри ва холис тақсимлаб бериш, беҳуда йўқотишларга йўл қўймаслик бугуннинг муҳим амалларидан.

Мен меҳнат қилаётган Норин-Фарғона ирригация тизими бошқармаси Фарғона вилоятининг 9 та туманидаги 55 минг гектар экин майдонларига сув етказиб беради. Кейинги йилларда сув тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим яратилди. Субсидия ажратиш механизми йўлга қўйилди. Томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ер майдонлари 5 йил муддатга ер солиғидан озод этилди. Аввал бундай имтиёз ва имкониятлар йўқ эди. Бетонлашмаган, ўз вақтида ковлаб, тозаланмаган ариқлар, техника ва технология етишмаслиги сувнинг бехуда исроф бўлишига олиб келган. Энди бу борада тизимли ишлар қилиняпти. Ваколат ва имкониятлар янада кенгайди. Тизимга илм-фан, янги технологиялар кириб келди. Биргина мисол, суғоришда тежамкор усуллар ҳақида тезкор ахборот, унинг афзалликларини тушунтириш муҳим. Шу боис, “Томчи” мобил иловаси яратилди. Ушбу илова сувни тежайдиган технологияларни жорий этишнинг тахминий баҳосини ҳисоблаш имконини ҳам беради.

Муҳими, белгиланган мезонлар асосида пудрат корхоналарининг индикатор кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, мобил иловада эълон қилиб борилмоқда. Шунингдек, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига субсидиялар беришнинг шаффоф механизмини йўлга қўйиш мақсадида “Agro-subsidiya” ягона ахборот тизими яратилди.

Умуман, бундай ислоҳотлар ирригация тизимида иш самарадорлигини оширишга хизмат қиляпти. Шу кунга қадар Норин-Фарғона ирригация тизими бошқармасига қарашли 7 километрли Бағдод хўжалик-1 канали бетонланди. Бу сув сарфини камайтириш, Олтиариқ, Риштон ва Бағдод туманларидаги истеъмолчиларни доимий сув билан таъминлайди. Учкўприк туманидаги “Тараққиёт-2” канал насос станциясидаги модернизация ишлари ҳисобига 300 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш билан боғлиқ муаммолар барҳам топди. Ҳозир экин майдонларини бир маромда сув билан таъминлаш мақсадида 1084 та гидротехник иншоот, 240 километрдан зиёд канал ва коллектор орқали истеъмолчиларни сув билан узлуксиз таъминлаш борасида “йўл хариталари” ишлаб чиқилган.

Ортда қолган йил ҳаётимда унутилмас воқеаларга бой бўлди. Чунки биз учун сув ўз вақтида етарлича бориб турган ҳар бир кун муҳим ҳисобланади. Юртимиздаги ислоҳотлар сабаб бундай қувончли кунларимиз мўл бўлди. Яна бир қувонч — Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан камтарона меҳнатим юксак баҳоланиб, “Меҳнат шуҳрати ордени” билан тақдирландим.

ЮРТИМИЗДА ҲАР БИР ИНСОН ЭЪТИБОРДА

Шу кунларда ҳар бир киши 2025 йилни сарҳисоб қилмоқда. Кимдир ютуқларга эришди, кимдир режаларини бажаришда бир оз кечикди. Шуниси аниқки, аксарият юртдошларимизда йил ўзига хос яхши воқеаларга бой ўтди. Боиси, тобора ривожланиб бораётган юртда ишларимиз фақат олдинлаб бормоқда. Хусусан, мен каби оддий ҳунарманд учун ҳам 2025 йил катта ўзгаришларга бой бўлди.

Сайёра ТУРДИҚУЛОВА, “Жасорат” медали соҳиби

Каштачилик — қадимий ҳунар. Илк бор уни бувимдан ўрганганман. Бу ҳунар бир қарашда оддий ишдек кўриниши мумкин. Лекин бунинг учун, энг аввало, сабр, матонат зарур. Бундан ташқари, бадиий ҳаваскорлик, санъатга ошуфталик талаб этилади. Ўша болалик дамларим ҳамон ёдимдан чиқмайди. Бувим қўлига игна олдими, биз, қизлар атрофида пайдо бўлардик. У, албатта, бирор матал ёки эртак бошларди. Шуни эшитиш давомида билиб-билмаган ҳолда каштачилик сирларини ўрганиб борардик. Гоҳида ўланлар айтиб берарди. Биз мириқиб эшитардик. Ўшанда бувим: “Ҳунарли киши ҳеч қачон хор бўлмаган. Азалда ҳам, бундан кейин ҳам шундай бўлади”, дея кўп гапирарди. Болалигимда бу гапларга унча эътибор бермасдим. Бугун буни тушуниб етдим.

Ўзим иккинчи гуруҳ ногирониман. Шу сабаб бирор иш билан шуғулланишга имконим йўқ эди. Ёшликда ўрганганларим фойда қилди. Дастлаб уйда кашта тикишни бошладим. Тайёр буюмларни қаерда сотишни билмасдим. Иккиланиб, қишлоғимиз аёлларига кўрсатдим. Қизиқувчилар топилди. Аста-секин буюртмалар олишни бошладим. Харидорлар ўзи сўраб келадиган бўлди. Талаб ортиб боргани сари ишларга бир ўзим улгурмай қолдим. Сўнг қўшни қизларни шогирдликка олдим. Уларга ҳунар ўргатиб, бажарган ишига қараб, маош бера бошладим. Улардан кўриб, бошқалар ҳам қизиқди. Бу орада тадбиркорлар учун қатор имтиёзлар яратилди. Якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтдим. Шундан сўнг маҳалламиздаги ишсиз хотин-қизлар бандлигини расмий равишда таъминлашни бошладим. Ҳозир 20 киши мен билан бирга меҳнат қилади. Бундан ташқари, 30 га яқин шогирдим бор. Улар ҳам касаначилик орқали уйида ўтириб, пул топмоқда. Даромадимиз ҳам яхши. Бир ойда ўртача 15-20 миллион сўм атрофида бўлади. Ишимиз асосан қўл меҳнати. Шу сабаб маҳсулотимизга кўпроқ хориждик меҳмонлар қизиқиш билдиради.

2025 йил мен учун жуда омадли келди. Мустақиллик байрами арафасида яқинларим бирдан табриклай кетди. Рости, ҳеч нарсадан хабарим йўқ эди. Билсам, “Жасорат” медали билан тақдирланибман. Буни эшитиб, бошим кўкка етди. Ишонасизми, бир ойгача ўша ҳаяжон, кўтаринкилик сира тарк этмади. Камтарона меҳнатларим юксак тақдирлангани ҳаётга ишончимни яна бир бор оширди. Бу юртда ҳар бир инсон эътиборда эканини англадим. Рағбатдан руҳланиб, янада янги ишларни бошлашни мақсад қилдим. Келгусида турли лойиҳаларни амалга ошириб, кўпроқ иш ўрни яратмоқчиман. Имконияти чекланган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида ҳам алоҳида режам бор. Ҳар бир йил 2025 йилдек омадли бўлсин, 2026 йил барчага қувонч олиб келсин!

Муносабат

Аёл қадри улуғланган жамият

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва кўп миллатли халқимизга йўллаган Мурожаатномасида илгари сурилган ғоялар давлат сиёсатининг устувор йўналишларини аниқ белгилаб берди. Ана шу устуворликлар орасида оила ва хотин-қизлар сиёсати нафақат ижтимоий масала, балки миллий тараққиётнинг ҳал қилувчи омили сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда оила ва хотин-қизларга оид давлат сиёсати тубдан янгича мазмун касб этди. Бу сиёсатга алоҳида йўналиш ёки тор ижтимоий масала сифатида эмас, аксинча, инсон қадрини юксалтириш, жамият барқарорлигини таъминлаш ва мамлакат тараққиётининг стратегик асоси сифатида қаралмоқда. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий фаолликни оширишга қаратилган изчил ислоҳотлар юртимизда инсонпарвар давлатчилик моделини шакллантирмоқда.

Юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, салоҳияти ва фидокорона меҳнатини юксак эътироф этувчи муҳим тадбир бўлиб ўтди. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиладиган “Йил аёли” миллий танлови ҳамда “Энг намунали хотин-қизлар фаоли” танловининг республика босқичи ғолиблари тақдирланди.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида минглаб аёллар иштирок этгани, финалга эса барча ҳудуддан энг фаол, ташаббускор ва жамият ишончини қозонган хотин-қизлар етиб келгани унинг кенг қамрови ва ижтимоий аҳамияти янада юксалганини яққол намоён этди. Республика босқичида 13 та номинация бўйича ғолиблар аниқланиб, замонамизга хос — илм-фан, тадбиркорлик, маънавият, таълим, соғлом турмуш тарзи ва ижтимоий ташаббусларда пешқадам, шу билан бирга, фарзанд тарбиясида алоҳида мактаб яратган уй бекалари бўлган аёллар кашф этилди.

“Йил аёли — 2025” Гран-при соҳиби Гулмира Жумаеванинг ҳаёт йўли сабр, матонат ва фидокорлик тимсолидир. У узоқ йиллар меҳнат миграциясида юриб, ҳаёт синовларини мардона енгиб ўтган. Ватанга қайтгач эса хотин-қизларга яратилаётган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бугун тадбиркорлик ва экология соҳаларида самарали фаолият юритмоқда. Иш ўринлари очиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ташаббуслари билан жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган Гулмира Жумаева ушбу самарали ишлари учун Президентимиз совғаси — автомобиль билан тақдирланди.

Илм-фан ва инновация йўналишида эса “Йил аёли” миллий танловининг 1-ўрин соҳиби Дилдора Муҳамедованинг сунъий интеллект ва тиббиёт интеграциясига қаратилган илмий ишланмалари нафақат фан соҳасида, балки соғлиқни сақлаш амалиётида ҳам кенг ижтимоий аҳамият касб этиб, аҳоли саломатлиги муҳофазасига хизмат қилаётир.

Шунингдек, танлов ғолиблари орасида тадбиркорлик орқали минглаб иш ўринлари очган, илм-фан ва инновацияни амалиётга татбиқ этган, маҳалла ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган аёллар бор. Айниқса, “Матонатли аёл” номинациясига спорт соҳасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган қизимиз Ҳуснияббонунинг онаси лойиқ кўрилди ва унинг кўп йиллик меҳнати эътироф этилди. Зеро, спортчи қизимизнинг тарихий ютуқлари ортида онасининг бемисл матонати, сабри ва шукронаси турибди.

Маҳалладаги эзгу ташаббусларни республика миқёсида самарали ҳаракатга айлантира олган “Энг намунали хотин-қизлар фаоли” танлови ғолибларининг тақдирланиши ҳам давлат ва жамоатчилик ўртасидаги ишончли кўприк сифатида аёллар фаоллигининг нақадар муҳим эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ушбу танловлар янги Ўзбекистонда хотин-қизларга яратилаётган кенг имкониятлар, уларнинг салоҳиятига ишонч ва давлат сиёсатида аёл, инсон қадри юксак ўрин тутаётганининг амалий ифодасидир. Бундай фидойи аёлларнинг замонамиз қаҳрамонлари сифатида эътироф этилиши эса бугунги ислоҳотларнинг тўғри ва изчил йўлда давом этаётганини тасдиқлайди.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини тубдан кучайтириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, таълим олиши ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг имконият яратишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Мурожаатномада илгари сурилган ғоялар, олтита муҳим устувор йўналиш ҳам айнан бу борадаги сиёсий ироданинг мантиқий давоми сифатида намоён бўлди. Хусусан, жамиятни бирлаштирувчи энг муҳим таянч оила ва маҳалла экани алоҳида таъкидланди. “Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила — оилага, қўшни — қўшнига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айни шу руҳда тарбиялашимиз керак”, деди давлатимиз раҳбари.

Зулайҳо МАҲКАМОВА,
Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Бугун демократик жамиятда турли фикр ва қарашлар мавжудлиги табиий ҳол. Бироқ барчани бирлаштирадиган, умуммиллий манфаат сифатида қабул қилинадиган устувор ғоя бор бу — Ватан ва халқ манфаатидир. Ана шу ғояни ҳаётга татбиқ этишда маҳалла тизимининг ўрни беқиёс. Маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамият барқарор бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакат юксалади. Шу маънода, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши чуқур ўйланган ижтимоий-сиёсий қарордир.

Ушбу устувор йўналишлар асосида қабул қилинадиган давлат дастури маҳаллани меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, адолат ва тарбия масканига айлантиришни кўзда тутади. Бу жараёнда хотин-қизларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Чунки маҳаллада маънавий муҳитни шакллантириш, оила барқарорлигини таъминлаш, ёш авлод тарбиясида аёллар ҳал қилувчи кучдир.

Мурожаатномадаги яна бир муҳим йўналиш иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказишдир. 2026 йилда яна 1 миллион кишини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоизга туширишкаби вазифалар аниқ ва масъулиятли мақсадлар сифатида қўйилди. Бу рақамлар ортида, аввало, миллионлаб оилалар тақдири, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси ва иқтисодий барқарорлиги турибди.

Хотин-қизлар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш масаласига мутлақо аниқ ва принципиал ёндашув билдирилди. Бу ёндашув давлатнинг ҳуқуқий позицияси билан бирга жамиятнинг ижтимоий, ахлоқий ва маънавий йўналишини ҳам белгилаб бермоқда. Аёл қадрини улуғлаш, бола ҳуқуқларини таъминлаш халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маънавий мезонлари, бу қадриятлар янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий пойдевори экани алоҳида таъкидланди.

“Ҳеч қачон унутмайлик, оилавий зўравонлик — бу фақат оиланинг ички иши эмас, бу — бутун жамиятга тегишли масала. Аёлни ўз муаммоси билан ёлғиз ташлаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!” деди давлатимиз раҳбари.

Зўравонлик — инсон қадрига тажовуз, бола тақдирига бепарволик ва жамият барқарорлигига таҳдид. Бу борада давлат, парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамжиҳатлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мурожаатномада зўравонликнинг олдини олиш, уни барвақт аниқлаш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган самарали тизим яратиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, балки бутун жамиятнинг умумий масъулияти экани белгилаб берилди. Мазкур тизим хотин-қизларнинг ўзини ҳимояланган ҳис қилиши, давлат ва жамиятга ишончининг мустаҳкамланиши учун муҳим замин ҳозирлайди.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, уларнинг чинакам фаровон ва бахтли яшашини таъминлаш устувор масалалардан. Асосий қонунимизда белгилаб қўйилганидек, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлолмайди. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли “Инсон қадри учун” тамойили асосида зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши тизимли ишлар бажарилмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи бўлиб оиладаги зўравонликни жиноий жавобгарлик сифатида белгилаб қўйди. 2019 йилда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда 2023 йилда “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. 2023 йилдаги қонун билан 5 та кодекс ва 10 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Президентимизнинг 2024 йил 10 майдаги “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янада самарали ташкил қилиш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ушбу хайрли чора-тадбирларнинг давоми ўлароқ, яқинда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда боланинг энг устун манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар лойиҳаси тайёрланди.

Хотин-қизлар, болаларга нисбатан ҳар қандай кўринишдаги зўравонлик ва камситишларнинг олдини олишга барчамиз масъулмиз. Бутун жамият зўравонликка қарши курашиш учун ягона кучга айланиши керак. Ҳамиша уйғоқ тафаккур билан бефарқ бўлмаслик, зўравонликнинг олдини олиш учун барча имкониятларни ишга солиш орқали барбод бўлган тақдирлар, йўқолган умидларга нажот беришимиз мумкин.

Опа-сингилларимизни ҳимоя қилишга қаратилган ҳар бир ташаббус, ҳар бир қарор инсон қадрини олий қадрият сифатида эътироф этган янги давлатчилик фалсафасининг амалий ифодаси ўлароқ жамиятда адолат, қонун устуворлиги ва маънавий соғлом муҳитни қарор топтиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг навбатдаги Мурожаатномасида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар, устувор вазифалар оила ва хотин-қизлар сиёсати янги Ўзбекистон тараққиётининг марказида эканини яна бир бор тасдиқлади. Бу сиёсат ижтимоий адолатга таянган, инсон қадрини энг олий қадрият сифатида эътироф этган ва келажак авлод манфаатларини устувор қўйган барқарор тараққиёт йўли сифатида намоён бўлмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган бу галги Мурожаатномаси ўз аҳамиятига кўра ҳар йилги сиёсий Мурожаатнома доирасидан анча кенг. У мамлакатнинг сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичига — ислоҳотларни институционал мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган барқарор ўсиш моделини шакллантиришга ўтишини қайд этувчи стратегик ҳужжатдир.

Сўнгги ўн йилликда Ўзбекистон иқтисодиёти сифатли ва тизимли янгиланишнинг жадал йўлини босиб ўтди. 2010-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг номинал ҳажми 60-65 миллиард доллар атрофида бўлган, ҳозирга келиб эса бу кўрсаткич Мурожаатномада таъкидланганидек, 145 миллиард долларга етди. Гап тарихдаги мисли кўрилмаган қисқа муддатда мамлакатимиз иқтисодий кўлами икки баробардан зиёд кенгайгани ҳақида бормоқда.

Ҳа, кейинги йилларда иқтисодиётнинг ўртача йиллик ўсиш суръати барқарор равишда 6 фоиз атрофида сақланиб келмоқда. Бу нафақат ижобий динамиканинг давом этаётганини, балки иқтисодиётнинг ташқи зарбалар — пандемия, хомашё ва логистика занжиридаги узилишлар ҳамда глобал инфляция шароитида ҳам барқарор ўсиш қобилиятига эга эканини англатади.

Ушбу хулосани саноат кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди. 2010-йилларнинг аввалида саноат хомашё ва қишлоқ хўжалиги тармоқларига нисбатан ёрдамчи ўринда турган бўлса, кейинги ўн йилда саноат ишлаб чиқариш ҳажми икки баравардан кўпроқ ўсди. Бугун машинасозлик, электротехника ва кимё саноати мамлакат иқтисодиётига барқарор ҳисса қўшмоқда. Қайта ишлаш тармоқларининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 80 фоиздан ошди.

Аграр секторнинг ривожланиш динамикаси ҳам диққатга сазовор. Ўн йил аввал асосий эътибор ишлаб чиқариш ҳажмига қаратилган бўлса, бугун устуворлик маҳсулотни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотни экспорт қилишга йўналтирилди. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмининг ошиши ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг кенгайиши ҳосилдорлик ва нархларнинг ўзгаришига боғлиқликни камайтириб, янада барқарор ривожланиш моделини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Инвестициялар динамикаси ҳам сифат ўзгаришларини ўзида акс эттиради. Сўнгги йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми юқори суръатда ўсмоқда ва ўтган даврдаги ўртача кўрсаткичлардан анча юқори даражага етди. 2010-йилларнинг бошида эса бу кўрсаткич анча паст эди. Шу билан бирга, инвестицияларнинг табиати ҳам ўзгарди: агар илгари улар асосан инфратузилма ва давлат лойиҳаларида жамланган бўлса, бугун уларнинг катта қисми саноат, энергетика, транспорт ва рақамли ечимларга йўналтирилмоқда. Яъни инвестициялар нафақат жорий ўсишга, балки келажакдаги ишлаб чиқариш базасини шакллантиришга ҳам хизмат қила бошлади.

Ташқи савдо динамикаси бу манзарани янада яққол акс эттиради. Кейинги ўн йилда Ўзбекистоннинг экспортдан тушадиган даромади икки баробардан ортиқ кўпайди: 2010-йилларнинг ўрталарида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми 12-13 миллиард доллар атрофида бўлган, сўнгги йилларда эса бу кўрсаткич барқарор равишда 24-25 миллиард доллардан ошмоқда. Бу ўсиш нафақат нарх коньюнктураси туфайли, балки экспорт таркибининг ўзгариши ҳисобига ҳам юз берди.

Элдор АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори

Макроиқтисодий мувозанат алоҳида эътиборга лойиқ. Иқтисодиёт ва инвестицияларнинг ўсиши давлат қарзининг назорат қилинадиган даражаси ва молиявий барқарорлик сақланиб қолган ҳолда кечди. Бу жуда муҳим. Чунки сўнгги йиллар тажрибаси тегишли мувозанатсиз жадал ўсиш кўпинча келажакдаги ривожланиш учун чекловлар тўпланишига олиб келишини кўрсатади. Мурожаатномада таъкидланишича, Ўзбекистон онгли равишда эҳтиёткорона, аммо стратегик жиҳатдан манфаатли йўналишни танлаб олган.

Сўнгги ўн йилликдаги динамикани таққослаш муҳим стратегик хулоса чиқариш имконини беради: Ўзбекистон келажакдаги ривожланиш иқтисодиёт кўлами билан эмас, балки унинг сифати билан белгиланадиган босқичга яқинлашди. Шунинг учун ҳам Мурожаатномада меҳнат унумдорлигини ошириш, технологик янгилаш ва саноатлаштиришни чуқурлаштириш вазифаси марказий ўринни эгаллади.

Ўн йил аввалги бошланғич нуқта билан солиштирганда мамлакат иқтисодиёти янада кенг кўламли, диверсификацияланган ва барқарор бўлди. Бу ўзгаришлар аҳоли фаровонлигини ошириш, Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун узоқ муддатли стратегик асос ҳозирлайди.

Мурожаатноманинг энг муҳим хусусиятларидан бири давлат ва фуқаролар ўртасидаги алоқанинг ёрқин ифодаси бўлди. Буни, айниқса, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳоли эҳтиёжларига қанчалик мос келаётганида ҳам кўриш мумкин.

Зеро, Мурожаатнома мазмуни таҳлили унинг устувор йўналишлари сўнгги йиллларда жамоатчилик ўртасида ўтказилган сўровларда, фуқароларнинг мурожаатларида мунтазам қайд этиб келинаётган муаммоларга тўлиқ мос келишини кўрсатади. Асосий эътибор бандлик, даромад, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти, таълим ва соғлиқни сақлаш сифати, шунингдек, адолат ва давлат бошқарувининг самарадорлигига қаратилган.

2017-2018 йилларда Ўзбекистонда камбағаллик даражаси икки хонали рақамлар (тахминан 35 фоиз) билан ўлчанган бўлса, 2024 йилга келиб 8,9 фоизгача камайди.

2025 йилда камбағалликнинг 5,8 фоизгача пасайиши мамлакатимиз бу борада уч йил олдин 2026 йил якуни бўйича режа қилинган мақсадга бир йил олдин эришганини кўрсатади.

Бундан ташқари, Мурожаатномада 2026 йилда камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоизга туширишбўйича стратегик мақсад кўрсатилган. Бу камбағалликка қарши курашни истиқболдаги давлат стратегиясининг марказий йўналишларидан бирига айлантиради. Бунга аҳоли даромадини барқарор ошириш, иш ўринлари очиш ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган қатор ижтимоий дастурлар ва ислоҳотларнинг мақсадли амалга оширилиши туфайли эришилди.

Фуқароларнинг катта қисми, айниқса, ёшлар ва ҳудудлар аҳолиси учун айнан барқарор иш ва даромад манбаига эга бўлиш ижтимоий фаровонликнинг асосий омилидир. Мурожаатномада кўрсатилган кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, саноат ва инфратузилмани ривожлантириш айнан шу талабларга жавоб беради. Халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ Тараққиёт дастури ва Осиё тараққиёт банки ўз тадқиқотларида бандликка бундай йўналтириш ижтимоий барқарорлаштиришнинг энг самарали воситаларидан бири эканини таъкидлайди.

Фуқароларни эшитишнинг муҳим кўрсаткичи асосий хизматлар сифатига эътибор қаратишдир. Мурожаатномада таълим, соғлиқни сақлаш ва кадрлар тайёрлаш масалалари иккинчи даражали эмас, балки стратегик устувор йўналиш сифатида кўрсатилган. Бу инсон капитали сифатини ва ижтимоий ҳаракатчанликни оширишга бўлган ҳақиқий ижтимоий талабга мос келади.

Давлат бошқарувига бағишланган қисм ҳам алоҳида таҳлилга лойиқ. Сўнгги йилларда фуқароларнинг энг кўп мурожаатларидан бири бюрократияни камайтириш, амалдорларнинг масъулияти ва фаолияти шаффофлигини оширишга оид бўлмоқда.

Мурожаатнома мазмуни давлат ўз фуқароларини эшитиш ва жамоатчилик кутаётган янгиланишларни стратегик сиёсат элементларига айлантириш қобилиятини биргаликда намойиш этаётгани ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Президентимиз бу жараёнда ислоҳотларнинг асосий меъмори сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Халқаро молиявий ва таҳлилий институтлар ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда кенг қамровли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун сиёсий етакчилик жуда муҳимлигини бир неча бор таъкидлаган.

Ўзбекистон мисолида изчиллик, сиёсий ирода ва узоқ муддатли натижага йўналтирилганлик макроиқтисодий барқарорлаштириш, ижтимоий сиёсат ва институционал ислоҳотларни ягона стратегия доирасида уйғунлаштириш имконини берди. Президентимиз Мурожаатномаси ушбу стратегиянинг жамланган ифодаси ва уни янада чуқурлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, Президентнинг парламентга Мурожаатномаси нафақат ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи кун тартибини, балки Ўзбекистоннинг келажакдаги ривожланишининг стратегик матрицасини шакллантиради. У етакчи халқаро ташкилотларнинг эмпирик маълумотлари ва баҳолари билан мустаҳкамланган бўлиб, ички консенсусни мустаҳкамлайди ва халқаро ҳамжамиятнинг ишончини кучайтиради. Айнан шу жиҳат унинг асосий аҳамиятини белгилайди — у ислоҳотларнинг барқарорлигини таъминловчи ва мамлакатнинг узоқ муддатли рақобатбардошлигини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

2026 йил 1 январь, 1-сон

Якунига етган 2025 йил ўзининг вазминлиги, чуқур мулоҳазаларга бойлиги билан хотирамизда сақланиб қолди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Юксалиш палласи

Йил поёнига етиб, янги йилга умид ва ишонч билан қадам қўяр экан, одам беихтиёр ортга назар ташлайди, мулоҳазага чўмади. Ютуқлар, натижалар, рекордлар, олқишлар — ҳамма-ҳаммаси ажойиб.

ЖАҲОН ШАХМАТ ТОЖИНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛИБ КЕЛАМАН

Аммо улардан ҳам аввал бундай лаҳзада хаёлингизга муваффақият йўлидаги оғир меҳнат, сабр, ички курашлар, яқинлар, устозлар қўллови ва албатта, ортингизда тоғдек мадад бўлиб турган ватан ва халқ ишончи келади.

Мен учун 2025 йил ана шундай ҳислар билан эсда қолди. Шахмат тахтаси ёнида ўтириб, ҳар бир юришни ўйлаб амалга оширган, минг бир ҳаяжон билан ўтказган лаҳзаларим кўп бўлди. Ўша паллаларда нафақат рақиб, балки ўзим билан ҳам баҳсга кирган пайтларим етарли.

2025 йил халқаро майдонларда кўплаб йирик турнирларда иштирок этдим. Кучли рақиблар, кескин партиялар, бир неча соатлаб чўзилган ўйинлар ҳаётимнинг одатий манзарасига айланди. Осиё ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритилган ғалабалар, рейтингдаги ўсиш, терма жамоа сафида эришилган натижалар, ўйлайманки, юртимиз ёшларининг интеллектуал салоҳиятига далил, мамлакатимизда спортга, хусусан, шахматга алоҳида эътибор ва рағбатнинг амалдаги намоёни бўлди. Айниқса, Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида ўтказилган ФИДЕ жаҳон кубогида ғолиб бўлиб, бундай натижага эришган тарихдаги энг ёш шахматчи сифатида эътироф этилишим ўзимга, ўз кучимга ишончимни янада оширди. Бу ғалаба жаҳон шахмат тожи учун курашиш имконини берувчи номзодлар мусобақасида қатнашиш йўлланмасини тақдим этиши билан ҳам жуда аҳамиятли эди.

Ўтган йил давомида бошимдан ўтказган энг эсда қоларли воқеалардан бири Президентимиз билан учрашув бўлди. Давлатимиз раҳбари менга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” унвонини бериб, мукофотларни топширар экан, бу эътибор шахсий ютуқдан кенгроқ маъно касб этишини чуқур ҳис қилдим. Бу ишонч ўзбек шахматига, ёш спортчиларга, интеллектуал меҳнатга берилган юксак баҳо сифатида қалбимдан чуқур жой олди. Ўша учрашувдан кейин халқимиз олдидаги дахлдорлик масъулиятим янада ортди дея оламан.

Янги йил кайфияти билан келажак ҳақида кўп ўйлаяпман. Олдинда турган асосий мақсадларим аниқ. Бу йил бўлиб ўтадиган номзодлар турнирида муносиб иштирок этиш ниятим бор. Мазкур мусобақа шахмат оламидаги энг катта синовлардан бири саналади. Бунда ҳар бир партия, ҳар бир юриш, ҳар бир қарор жаҳон шахмат тожига элтадиган йўлнинг бир бўлаги. Ўша йўлда бор кучимни сарфлаб, юртимиз байроғини энг юқори чўққига олиб чиқиш орзуси билан яшаяпман.

2026 йил шукуҳи кунларида ич-ичимда ўзига хос хотиржамлик, шукуҳ ва энг муҳими, ишонч бор. Ортда қолган 2025 йил эса менга нафақат спортда, балки ҳаётда ҳам асқатадиган сабоқлар берди. Уни тенгдошларим, ука-сингилларим билан ҳам бўлишмоқчиман: имкониятларингизга, билим ва салоҳиятингизга ишонинг, меҳнатдан қочманг. Шунда натижалар ўз вақти билан бирин-кетин келаверади, орзулар ушалади.

Янги йил барчамизга янги имкониятлар, тоза ниятлар ижобатини олиб келсин. Мен ўша имкониятларни шахмат тахтаси устида, ҳалол кураш ва тинимсиз изланиш билан қарши олишга тайёрман.

Жавоҳир СИНДОРОВ,
халқаро гроссмейстер,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган спортчи

МУНДИАЛДА ВАТАНИМИЗ ШАЪНИНИ МУНОСИБ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ

Гапни узоқдан бошлагим йўқ. Шусиз ҳам бу кунларни узоқ кутганмиз. Шунданми, ортда қолган йил ҳақида эсласам, кўз олдимда, биринчи навбатда, футбол ўйингоҳи акс этган манзара гавдаланади: халқимизнинг ўттиз тўрт йиллик орзулари рўёбга чиққан лаҳза, Ўзбекистон илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритган кун.

Албатта, бу маррага осонликча етганимиз йўқ. Ғалабалар ортида йиллар мобайнида майдонда ва майдон ташқарисида қилинган заҳматли меҳнатлар, болалар футболидан тортиб, терма жамоагача бўлган бир бутун тизимни ташкил қилувчи инфратузилма, давлат даражасидаги эътибор, стадионда, экран қаршисида жамоа учун чин дилдан жон куйдирган миллионлаб мухлислар, она халқимиз, Ватан турибди! Шу туфайли ҳам 2026 йилги жаҳон чемпионатига йўлланма мен учун, бутун жамоамиз учун чин маънода фахр бўлди. Бу халқнинг ишончи, дуоси билан келган тарихий бахт эди.

Энг эсда қоларли лаҳзалар эса, шубҳасиз, 2025 йил 5 июнь куни БААга қарши ҳал қилувчи сафар ўйинида рўй берди. Тўғри, биз гол киритиб, ғалаба қозонмадик. Аммо ишонтириб айтаманки, фаолиятим давомидаги ҳеч бир ғалаба ўша кунги дуранг натижасидан ортиқроқ қувонч ҳадя этмаган менга, бу футболдан-да каттароқ нарса эди… Бу қувончни фақат биргина сўз билан ифодалаш мумкин: МУНДИАЛ!

Шу куни Президентимиз телефон орқали терма жамоамизни алоҳида табриклади. Бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини айтиб, юксак ишонч билдирди. Давлатимиз раҳбарининг табрикда айтган **“Аминман, бу тарихий ютуқ халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада бирлаштиради, минг-минглаб ёшларимиз учун илҳом манбаига, ибрат тимсолига айланади, Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади.**

Сизлар футбол майдонларидаги мана шундай шонли ютуқдан янги куч ва руҳ олиб, келгуси йили АҚШ, Мексика ва Канада давлатларида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг биринчи ва ягона вакили бўлишдек юксак шарафни чуқур ҳис этган ҳолда, янада катта жонбозлик кўрсатасизлар, деб ишонаман”, деган сўзлари кўнглимизни тоғдай кўтарди, айни чоғда зиммамизга халқимиз, Ватанимиз олдида янги масъулият юклади.

2025 йил 10 июнь куни Тошкентдаги “Бунёдкор” стадионида Қатар терма жамоасига қарши бўлиб ўтган саралаш босқичининг сўнгги тур баҳси ҳам чинакам байрамга айланиб кетди. Президентимиз учрашувни стадионда томоша қилди, байрамона кайфият бутун аренани қамраб олди. 86-дақиқада ҳисобни 2:0 кўринишига келтирган голга муаллифлик қилганим асло ёдимдан чиқмаса керак. Ўйиндан сўнг бутун делегация аъзоларининг муносиб тақдирланиши эса юртимизда футболга алоҳида эътибор, ёшларга юксак ишонч рамзи бўлди.

Энди олдимизда жаҳон чемпионати майдонлари турибди. Яхши биламиз: у ерда ҳамма нарса бошқача бўлади, тезлик, босим, шу билан бирга, имконият ҳам. Жамоа сардори, Европа майдонларида тўп тепган, у ердаги футболчилар билан ўзимизнинг йигитларни солиштириш имконига эга инсон сифатида бемалол айтишим мумкин, бизда ҳар қандай рақибга қарши муносиб қаршилик кўрсата оладиган, етук, маҳоратли ўйинчилардан иборат бир бутун авлод шаклланган.

Янги йил кириб келган шу дамларда одам режалар тузади, ўзига ўзи ваъдалар беради. 2026 йилга қадам қўяр эканмиз, халқимизга ваъда берамиз: биз жамоамиз билан бутун дунё кўз ўнгида халқимиз, мухлисларимиз ишончини, албатта, оқлаймиз, мундиалда Ўзбекистон номини муносиб ҳимоя қиламиз.

Элдор ШОМУРОДОВ,
футбол бўйича Ўзбекистон
миллий терма жамоаси сардори

Мулоҳаза

Қаҳратон қишнинг изғиринли оқшоми, ташқарида бўралаб қор ёғаётган, табиат оппоқ либосга бурканиб, сокин уйқуга кетган фусункор бир палла. Уйимиз атрофидаги дарахтлар шохларида қўним топган қор парчалари худди кумуш тангаларни ёдга солади. Ёшу қари қўшнилар жам бўлиб, бўсағадаги айвон тагида суҳбат қуриб ўтирибмиз. Даврамиз тўрида ўрин эгаллаган саксон ёшни қаршилаган Олим бобо қўшнилардан бири дамлаб чиққан қайноқ чойдан ҳўплар экан, нигоҳларини бир нуқтага қадайди, унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракати биз учун худди ҳаёт дарслиги вазифасини ўтайди.

Олим бобонинг қадоқ қўлларига термиламан: бу қўллар шунчаки тана аъзоси эмас, балки машаққатли меҳнат, сабр-тоқат ва ҳалоллик билан битилган тирик тарих китобидек. Отахон секин томоқ қириб, сўз бошлайди, унинг овозида йил бўйи тўпланган ҳикмат ва келажакка бўлган мустаҳкам ишонч оҳанглари жам. “Болаларим, — дейди у вазминлик билан, — мана, Илон йили ҳам ўз поёнига етиб бораётир, донишманд Шарқ бежиз йилларни жониворлар номи билан атамаган, зеро, ҳар бирининг ўз нияти, ўз ҳикмати мавжуд”.

Дарҳақиқат, якунига етган 2025 йил ўзининг вазминлиги, чуқур мулоҳазаларга бойлиги билан хотирамизда сақланиб қолди. Илон мучали Шарқ тақвимида ақл-заковат, узоқни кўра билиш ва эҳтиёткорлик рамзи ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида халқимиз ҳар бир ишни етти ўлчаб бир кесиб, пойдеворларни янада мустаҳкамлади, келгуси катта марралар учун пухта режалар тузди. Олим отанинг таъкидлашича, Илон йили инсонни шошма-шошарликдан тийиб, ақл чироғи билан йўл танлашга ўргатган давр бўлди, энди эса навбат шиддатга, ҳаракатга ва юксак парвозларга етиб келди.

“2026 йил от мучали саналади, — дея сўзида давом этади бобо кўзларида ўзгача учқун акс этиб. — От шунчаки жонивор эмас, балки йигитнинг қаноти, эркинлик ва садоқат тимсолидир. Бобом раҳматли отбоқар ўтган ва у айтардики, От йилида туғилган режа қоғозда қолиб кетмаслиги керак, чунки от чопиш учун, манзилга етиш учун яралган. Кириб келган йил тиним билмас меҳнат, ҳалол пешана тери ва улкан бунёдкорликлар даври бўлиши кутилмоқда”.

Кекса отахоннинг айни ўгитлари замирида катта ҳақиқат мужассам. Шарқ фалсафасида от қуёш ва олов унсури билан узвий боғланади, унинг табиати жўшқин, ҳаракатчан ва олижаноб ҳисобланади. Эътибор қаратадиган бўлсак, от ҳеч қачон эгасига хиёнат қилмайди, хавфни олдиндан сезади ва ўз уюрини ҳимоя қилишга интилади. Айнан ушбу жиҳатлар янги йилда жамиятимизда инсоний муносабатлар янада мустаҳкамланиши, меҳр-оқибат ришталари боғланиши ва ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси юксалишидан дарак беради.

Олим ота чойини охиригача ичиб, пиёлани тўнтарар экан, яна бир ҳаётий ҳикояни ёдга олди: “Ёшлигимда чопқир отим бор эди, лақаби Ғиркўк бўлиб, унинг юриши шунақанги равон эдики, устидаги пиёладаги сув тўкилмасди, лекин югуришга тушса, шамол билан пойгага киришарди”.

От йилининг хосияти ҳам шунда намоён бўлади — у ҳам равонликни, ҳам тезликни талаб этади. Мамлакатимиз бугун худди ўша тулпор янглиғ Учинчи Ренессанс сари дадил одимламоқда. Илон йилида экилган дон, ўйланган режалар энди От йилининг кучи ва ғайрати билан ҳосилга киради, рўёбга чиқади.

Суҳбатимиз қизигандан қизиб, мавзу от мучалининг барака ва ризқ-рўз келтириши ҳақидаги қарашларга уланди. Халқимизда “От бор уйда қут-барака бўлади” деган нақл бежиз айтилмаган. Отахоннинг эътироф этишича, бу йил деҳқончиликда ҳосил мўл бўлиши, дастурхонларимиз тўкинлиги ва халқимиз фаровонлиги ортиши кутилмоқда. Бунинг сабаби оддий — от меҳнаткаш жонивор ҳисобланади ва у тинимсиз ҳаракатда бўлгани учун ҳам унинг ризқи бутун бўлади. Дангасалик, лоқайдлик от мучалига бегона хислатлар саналади, кимки астойдил меҳнат қилса, ўз касбига меҳр қўйса, тулпор йили уни албатта тақдирлайди, юксак марраларга олиб чиқади.

Очиғи, бобонинг сўзларини тинглаб, қалбимда келажакка ишонч янада ортди, гўёки узоқдаги қорли далалар узра кўринмас, аммо шиддатли тулпорлар дупури эшитилаётгандек туюлди. Бу дупурлар — янгиланаётган Ўзбекистоннинг, ўз мақсадлари сари интилаётган ёшларнинг ва дуоғўй кексаларимизнинг юрак уришидай.

От йилида бошланадиган ҳар бир хайрли иш тезкорлик билан амалга ошиши, кутилганидан ҳам аъло натижалар бериши башорат қилинади, чунки отнинг табиати тўсиқлар олдида тўхташни эмас, балки улардан сакраб ўтишни, янги уфқларни забт этишни хуш кўради.

Кеча ярмидан оққанда Олим ота дуога қўл очди ва унинг юзидаги ҳар бир ажин нурланиб кетгандек кўринди. “Илоҳим, — деди у ишончли овозда, — янги йил юртимизга тинчлик, хонадонларимизга хотиржамлик олиб келсин, амалга оширилаётган барча эзгу ишлар тулпор тезлигида ривожлансин. Халқимизнинг ризқи улуғ, мартабаси баланд бўлиши насиб этсин, отнинг кучи билагимизга, шижоати юрагимизга кўчсин”.

Барчамиз “Омин!” дея юзимизга фотиҳа тортдик. Қор ёғишдан тўхтаб, осмонда юлдузлар чарақлаб кетган эди. Гўёки табиатнинг ўзи ҳам оппоқ қор гилами устидан кириб келган янги йил — шонли ва шиддатли От йилига пешвоз чиқишга ҳозирлик кўраётгандек тасаввур уйғотади. 2026 йил шунчаки тақвимнинг алмашиши эмас, балки ҳар биримиз учун янги имкониятлар, янги зафарлар ва юксак марралар сари ташланадиган дадил қадам бўлиши шубҳасиз. Зеро, манзилимиз аниқ, йўлимиз ёруғ, бир йиллик ҳамроҳимиз эса садоқат ва ғайрат тимсоли бўлмиш тулпор йили саналади.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-146.
32015 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 20:10 Топширилди — 21:35